ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 13 декабрь № 49 (226) ● Сотувда нархи эркин

БАЙРАМ НИШОНЛАНДИ

Тошкент Алоқа коллежида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўрт йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда коллеж ўқитувчи-мураббийлари, тарих фанлари номзоди, шарқшунос Олима Юнусхўжаева, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказидан Ақида Азизова ҳамда коллежда таҳсил олаётган талабалар иштирок этди.



Йиғилишни Тошкент Алоқа коллежи директори Саидмаҳмуд Акбаров очиб, йиғилганларни Ўзбекистон Конституциясининг тўрт йиллиги байрами билан табриклади ҳамда талабаларни Асосий Қонунимиз бўлган Конституция қонун-моддалари билан яқиндан таништириш, унинг моҳиятини ўқувчиёшларга тўлақонли етказиш борасида коллежда олиб борилаётган ишлар хусусида гапирди.

Мазкур тадбир сўнгида коллежнинг бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, мафтункор рақслар барчани хушнуд этди.

Солих ЗОИР
Суратни муаллиф олган

Жорий йилнинг 17 декабрида Москва шаҳрида алоқа соҳасида Минтақавий Ҳамдўстлик бўйича алоқа маъмурияти раҳбарларининг навбатдаги XVI-мажлисини ўтказиш мўлжалланмоқда.

ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗИШ МЎЛЖАЛЛАНМОҚДА

Мазкур мажлисда МДҲнинг электр ва почта алоқаси соҳасида интеграцион ривожланиши, Россиянинг «Связь-Банк» мисолида алоқа соҳасида Минтақавий Ҳамдўстлик бўйича алоқа маъмуриятлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни кучайтиришда банкларнинг роли, электралоқа соҳасида меъёрлаштириш умумжаҳон конференцияси ва электралоқа сиёсати бўйича биринчи умумжаҳон форуми якунлари билан боғлиқ бир қатор масалалар муҳокама қилинади. Шунингдек, 1997 йилга алоқа соҳасида Минтақавий Ҳамдўстлик бўйича алоқа маъмурияти Кенгаши раиси сайлаш масаласини кўриб чиқиш ҳам режалаштирилган.

Ҳамидулла ХОЛМУҲАМЕДОВ,
жамоатчи мухбиримиз

ЯНГИ СТАНЦИЯ ИШГА ТУШДИ

Яқинда Навоий вилоят ҳокимлиги биносига герман-француз қўшма корхонаси томонидан янги, электрон турдаги «Алкатель» телефон станцияси ўрнатилди. Эндиликда абонент билан боғланиш учун коммутатор рақами терилса бўлди, у шу заҳотиёқ мижозни зарур манзил билан боғлайди.

Юз рақамга мўлжалланган мазкур станция ҳокимликда мавжуд бўлган телефон нуқталари сонини уч баробар камайтирибгина қолмай, шу билан бирга алоқа хизмати учун тўланадиган маблағни ҳам тежаш имконини беради.

Қ. САТТОРОВ,
Навоий вилояти

● *Обуна—97*

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз муштарийлар, «ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ:

ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН:

1 ойга 28 сўм, 6 ойга 168 сўм, 12 ойга 336 сўм.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР УЧУН:

1 ойга 39 сўм, 6 ойга 234 сўм, 12 ойга 468 сўм.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 64600

ЭСЛАТМА: Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг почта алоқа корхоналари обуна нашрларини етказиб бериш хизмат ҳақларини ўзлари мустақил белгилашади.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● *Янгиликлар* ● *Воқеалар* ● *Хабарлар*

● **Матбуотда «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.**

● Тошкентда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Осиё бўйича бюроси янги биносининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

● **10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Эрдўғон Айтунни қабул қилди.**

● Қозоғистон матбуоти ва оммавий ахборот воситалари миллий агентлиги Россия телевидениеси дастурини трансляция қилишни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди. Бунинг асосий сабаби сифатида маблағ етишмаётганлиги кўрсатилган. Россия жамоат телевидениеси дастурини намойиш қилиш эса давом этмоқда.

● **Арманистон Бош вазири Армен Саркисяннинг айтишича, ҳукумат январь ойидан бошлаб электр қуввати тарифларини 40 фоизга оширмоқчи. Бу ҳақда Ноян Топан ахборот маҳкамаси хабар тарқатди.**

● Чеченистонда келгуси йил январь ойида бўладиган президент сайловларида 19 номзод иштирок этиш ниятини билдирди. Улар орасида республиканинг ҳозирги раҳбари Зелимхон Яндарбиев, ҳукумат бошлиғи Аслан Масхадов, дала командири Шамил Басаевлар бор.

● **Литва Президенти Альгирдас Бразаускас янги Бош вазир Гедиминас Вагнорюс таклиф қилган ҳукумат таркибини тасдиқловчи фармонга имзо чекди.**

● Афғонистоннинг собиқ президенти, 67 ёшли Бабрак Кармал Москвадаги марказий клиника касалхонасида рак касалидан вафот этди.

● **Билл Клинтон иккинчи муддатга президент этиб сайлангач, ўз маъмуриятида жиддий ўзгаришлар қилмоқда. Давлат котиби вазифасига Уоррен Кристофер ўрнига биринчи бор 59 ёшли аёл, ҳозиргача АҚШнинг БМТдаги вакили вазифасида ишлаб келган Мадлен Олбрайт тайинланди. 56 ёшли сенатор Уильям Коэн мудофаа вазири, Президентнинг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси бўлган Энтони Лейк Марказий разведка бошқармаси директори этиб тайинланди.**

● Токиода Осиё-Тинч океани минтақасида террорчиликка қарши кураш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда 11 мамлакат, шу жумладан АҚШ мутахассислари иштирок этдилар.

● **Хитойнинг Гуанси-Чжуан мухториятида истиқомат қилувчи бир деҳқон ғорда адашиб қолиб, саккиз кун давомида сувсиз ва овқатсиз яшаган. Врачлар буни ақл бовар қилмайдиган мўъжиза деб ҳисобламоқдалар.**

● *Шу сонга шошилинчнома*

«Қорақалпоғистон Республикаси давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси ходимлари 1997 йил учун «Хабар» газетасига 410 нусхада обуна бўлдилар.

Қорақалпоғистон давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиқ ўринбосари
К. ЖАЛГАСБОЕВА»

* * *

«Жиззах давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси ишчи-хизматчилари 1997 йил учун 58 номдаги ижтимоий-сиёсий газета ва фан-техника, иқтисодиётга оид журналларга ёзилишди. Жумладан корхона алоқачилари келгуси йилда 210 нусхада «Хабар» газетасини олиб ўқийдиган бўлишди.

Жиззах давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг умумий бўлими бошлиғи
Н. БОБОЕВ»

ЭЛ ХИЗМАТИДАГИ ЙИГИТ

Аҳмаджон ҳар қанча фахрланса арзийди. У Тошкент электротехника Алоқа институтининг автоматика ва электралоқа факультетини тугаллаб, Сариосиё туманига ишга келди. Туман алоқа тармоғида муҳандис бўлиб ишлай бошлади. Дастлаб анча қийналди. Тажрибали ҳамкасбларидан дакки ҳам эшитди. Чунки аппаратлардаги соч толасидек кўз илғамас узатгичларнинг ишлаш жараёнини ўрганиб олиш осон бўлмади-да. Ёш муҳандис институтда олган билимларини ишлаб чиқаришга дадил жорий эта бошлади. Бултур Сангардак, Хонжиза, Чинор тоғ қишлоқларидаги телефон станцияларини қайта жиҳозлашда олган тажрибалари айниқса қўл келди.

Тоғ қишлоқларида телефонларнинг яхши ишламаслигидан мижозлар кўп шикоят қилар эди. Бу ҳақда Сариосиё туман электралоқа бўлими бошлиғи Бўри Жафаров шундай дейди:

— Тоғ қишлоқлари деса ходимларимиз безиллашарди. Чунки абонентларнинг телефонлари ойлаб ишламас эди. Улар бунинг сабабларини сўрайвериб бизни ҳоли жонимизга қўйишмас эди. Туман электралоқа бўлими маъмурияти ишчан, тиришқоқ Аҳмаджон Саидовни муҳандисликка танлаб адашмади. Аҳмаджон Саидов бўлимга муҳандис бўлиб ишга ўтгач, электр алоқа хизматидан нафақат тоғ қишлоқларидаги 107 нафар мижозлар, балки Фарҳод посёлкасидаги ишчилар ҳам баҳраманд бўлаётир.

Янги муҳандис эътиборини энг аввало жамоа ҳамжиҳатлигига қаратди. Сўнгра меҳнат интизомини, талабчанликни оширди. Ишни қўл учида бажарадиган мантўрлар билан юзма-юз очиқчасига гаплашди. Баъзан уларнинг чала ишларини қайтадан бажартириб, жамоа олдида изза қилди. Муҳандис Аҳмаджон Саидовнинг ҳалол ва талабчанлиги мантўрларни виждонан ишлашга ундади. Электр мантўрлардан Салим Бўронов, Наримон Зарипов, Шариф Жамолов, Гавҳар Эшбоеваларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, дилларидагини тўкиб солишади:

— Аҳмаджон Саидов ишчан ва талабчан, камтарин йигит. Билмаган нарсангизни сўрасангиз эринмай тушунтиради.

Дарҳақиқат, ишни пухта эгаллаган мутахассис ҳамиша эъзозда бўлади. Муҳандис Аҳмаджон Саидов ана шундай алоқачилардан биридир.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти

ТАЙИНЛАШ



Владимир Лазаревич ШТЕЙНБЕРГ — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 9 декабрдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

В. Л. Штейнберг 1952 йили Тошкент шаҳрида туғилган, яҳудий, маълумоти олий — 1974 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини битирган, мутахассислиги — электралоқа муҳандиси.

Меҳнат фаолиятини 1974 йили Тошкент шаҳар телефон тармоқларида муҳандисликдан бошлаган, 1975-1977 йиллар Ҳамза телефон боғламаси бошлиғининг ўринбосари, 1977 йилдан Тошкент шаҳар телефон тармоқларида цех бошлиғи, сўнгра бош муҳандис ўринбосари, 1981 йилдан 1988 йилгача собиқ СССР Алоқа вазирлиги Иттифоқ давлат 2-Алоқа лойиҳалаш институтида гуруҳ раҳбари ва бош муҳандис бўлиб ишлаган.

1988 йилда Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасида бошлиқ, бошлиқ ўринбосари, бош муҳандис, 1992 йилдан республика Алоқа вазирлигида бўлим бошлиғи вазифаларида меҳнат қилган. 1993 йилдан ҳозирга қадар «Ўздунробита» ўзбек-америка қўшма корхонасининг техника масалалари бўйича директори эди.

ИШЧАН ЖАМОА

Содиқжон Отабоев етакчилик қилаётган 5-Янгиқўрғон кабел бўлинмаси Қўқон шаҳридаги 2-шаҳарлараро алоқа ва телевидение техник тармоғининг илғор бўлинмаларидан ҳисобланади. Бўлим жамоаси Фарғона вилояти ҳудудидан ўтган шаҳарлараро ерости кабел тармоқларининг узлуксиз ва сифатли ишлашини таъминлаб келаётир. Бу борада муҳандис Неъматжон Қурбонов, 20 йилдан буён алоқа соҳасида ишлаётган кабел қалайловчи Олимжон Абдураҳмонов, мантўрлардан Усмонжон Кўчқоров ва Равшанбек Исмоиловлар алоҳида ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Ишчан жамоага ҳар доим омад ёр бўлсин деймиз.

Қ. ТУРСУНОВ,
жамоатчи мухбиримиз



«Промсвязь» заводида пласмассадан тайёрланаётган буюмларнинг сифатли бўлишида заводда 14 йилдан буён прессловчи бўлиб меҳнат қилаётган Вера Ивановна ВАСИЛЬЕВАнинг ҳам хизматлари катта.

Суратказш Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ

БИР СОҲАДА 36 ЙИЛ...

Толиб Ҳакимов 1961 йили Тошкент Алоқа политехникумини битиргандан кейин ўз меҳнат фаолиятини электромеханикликдан бошлади. Шундан



сўнг Бухоро вилоят радиоузатиш бўлимининг муҳандиси, Бухоро шаҳар алоқа боғламаси шаҳарлараро телефон станциясининг муҳандиси, ушбу станция бошлиғи каби вазифаларда фаолият кўрсатди. У айни кунда Бухоро давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида етакчи муҳандис бўлиб ишлаб келмоқда.

Толиб Ҳакимов ўзининг 36 йиллик иш фаолиятида самарали меҳнат қилиб, юқори малакали мутахассис даражасига эришди. Топширилган вазифани аниқ ва юқори сифат билан бажарганлиги учун жамоа орасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлди, кўплаб шогирдлар тайёрлади. Толиб ака узоқ йиллик меҳнат фаолиятида билим ва тажрибасини ёшларга ўргатишда жонбозлик кўрсатди. Унинг кўплаб ихтиорочилик таклифлари иш жараёнида қўлланилиб, вилоят туманларида содир бўлаётган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда асқотди. Жонкуяр алоқачи кўп йиллик хизматлари учун муносиб тақдирланди, «Меҳнат фахрийси» унвонига сазовор бўлди.

Оилада уч ўғил ва бир қизни тарбиялаб, вояга етказган меҳрибон ота, кўплаб набираларнинг севимли бобоси бўлган Толиб ака ўзининг 60 ёшини ҳамкасблари даврасида кутиб олаётганидан бахтиёрдир.

Бухоро вилоят алоқачилари Толиб ака Ҳакимовни туғилган куни билан самимий табриклайди ҳамда унга сиҳат-саломатлик, шарафли меҳнатида муваффақият тилайди.

Аҳмад МУҲАМЕДОВ,
жамоатчи мухбиримиз

• Алоқа матбуот кўзгусида

ЯЛАНГОЁҚЛАР НАМОЙИШИ

Африканинг иссиқ иқлимида пойабзал кийиш шартми? Шарт эмас экан. Дакарлик алоқа соҳаси хизматчилари шундай фикрда. Лекин ҳукумат уларнинг таклифини рад этди. Шаҳардаги 430 нафар алоқачилар сўзида қатъий туриб, ялангоёқ кўчаларга намойиш қилиб чиқишди. Икки ҳафталик намойишлардан сўнг Сенегал почтачилари пойабзални улоқтиришди. Мамлакатдаги тантанали анжуманларда улар албатта оёқ кийим киядилар.

ТЕЛЕФОНДА НИКОҲДАН ЎТИШДИ

Америкалик Лайл Менендес «Плейбой» журналининг малласоч гўзалига уйланди. Агар бир ҳолат бўлмаганда, бу воқеа ҳеч кимни ажаблантирмаслиги мумкин эди. Гап шундаки, у ўз ота-онасини отиб ташлагани учун бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилинган, яна бунинг устига, бўлғуси хотинини бирор марта ҳали кўрган эмас.

Қиз, қотилни телевизор орқали кўрсатишганда, уни қаттиқ севиб қолади ва хат ёзади. Икки ўртада ёзишма бошланади. Маҳбуснинг никоҳдан ўтиш тўғрисидаги илтимосини қамоқхона маъмурияти қондирди, бироқ никоҳни қайд этиш учун мэрияга юборишга келганда кўнишмади. Ёшларнинг телефон орқали никоҳдан ўтишларига тўғри келди. Ёндош аппаратлар ёрдамида руҳоний ва гувоҳлар бу жараённи кузатишди. Бу никоҳнинг ғаройиблиги ана шунда!

«ЭМ-СИ-АЙ» КОМПАНИЯСИ СОТИЛДИ

Буюк Британиянинг «Бритиш телекомьюникейшз» компанияси 21 миллиард долларга Американинг «ЭМ-СИ-АЙ» телефон компаниясини сотиб олди. Бирлашув натижасида «Консерт» номидаги компания вужудга келди. Мазкур компания раҳбарларининг журналистларга таъкидлашича, халқаро ва шаҳарлараро сўзлашувнинг баҳоси арзонлашган. Айни пайтда бу битим жаҳон бизнеси тарихида мисли кўрилмаган даражадаги савдодир.

АҚЛЛИ ТЕЛЕВИЗОР

Япониянинг «Тошиба» фирмасида тайёрланган янги телевизор томошабин билан алоқа боғлаб, у билан суҳбатлашади. Митти ЭҲМ билан жиҳозланган бу антиқа телевизор олдидан белгилаб қўйилган вақтда, айтайлик, ярим кечада ўз-ўзидан уланиб ишлайверади. Кўрсатув тугагач, томошабинга хайрли тун тилайди. Эрталаб эса уларни «Эртангиз хушнуд бўлсин» деган яхши тилак билан уйқудан уйғотади.

Экран қаршисида ҳеч ким бўлмаса, телевизордан «Энди мен ўчишим керак» деган сўзлар эшитилади.

● Маънавият оламида

МУОМАЛА ОДОБИ

Инсоннинг кимлигини унинг суҳбатидан ҳам билса бўлади. Баҳслашиш ҳамманинг қўлидан келади, аммо ширин суҳбат қуришни ҳамма ҳам уддалай олмайди.

Суқрот айтади: «Кўпол муомала қилган кишига мен мулойим муомала қиламан. Чунки мулойим муомала ва тавозеъ кўпollик ва хусуматни битиради. Аммо кишини ожизлик ва хўрликка туширадиган ортиқча тавозеъ ва ҳилмдан ҳазар қиламан».

Орамизда гўзал ҳисларга эга бўлган одамлар кўпки, улар ўзларининг хушмуомалалари, меҳр-шафқат ва марҳаматлари соясида ҳатто душманларини ҳам ўзларига дўст қилиб олишга муваффақ бўладилар. Бундай бахтли одамлар олқишга, таҳсин ва офарингга сазовордирлар.

Байт:

Хирад аҳли оғир сўз бирла қилмас дўстни бегона,
Мулойим сўз билан бегоналарни айлар ошино.

Суҳбатдошнинг қандай ниятдалиги унинг сўзларидан аён бўлиб туради. Аммо унинг қандай одамлиги имо-ишоралари, юз бужмайтиришлари, сайъ-ҳаракатлари орқали янада ойдинроқ кўринади. Ақлли одамнинг ишорасигина кифоя қилади. Зеро, ҳар бир киши билан унинг ақлига монанд суҳбат қуриш тажрибада синалган. Ақлли одамда нозик ҳис қилиш, сезиш қобилияти бўлгани учун унга ҳаддан зиёд ижирчикирлар ҳақида сўзлаш шарт эмас.

Кўп гапириш ақллилик, одоблилик белгиси эмас. Суҳбатда ҳаддан ташқари, айниқса ўзи ҳақида кўп гапирган одамни суҳбатдошлар ёқтирмайди. Суҳбатдан ҳар бир киши наф олса, билими ортса, асаблари яйраса, у суҳбат маромидир.

Суҳбатда ўзаро ишонч бўлиши, ҳуда-беҳуда аччиқланмаслик, жизза-ки, кўнгилни оғритадиган сўз айтмаслик ҳам оқил одамларга хос. Суҳбатдош фикрларини инкор қилганда вазмин, босиқ сўзлаш, мулойим ибораларни қўллаш лозим.

Суҳбатда энг оддий сўзлар ишлатмак фойдали. Яхши суҳбатдош шундай кишики, у тинглай билади, сукут сақлай олади. Тинглай билиш нодон суҳбатдошга мурувват кўрсатишдир. Нодон одамгина бу мурувватнинг қадрига етмайди.

Тинглай биладиган одам яхшиёмон сўзларни саралаш қувватига эга бўлади. Шу боис «Аввал ўйла, кейин сўйла», «Етти ўлчаб бир кес» дейди халқимиз. Суҳбатда вазминдан ташқари, айниқса ўзи ҳақида босиқлик гапга чечанликдан яхшидир.

Суҳбатни берилиб тинглаш, мулойимлик билан жавоб қайтариш одоблилик белгисидир. Кўпол муомала суҳбатдошга қўл кўтариш кабидир. Ақлли савол берсанг—ақлли жавоб эшитасан, дейдилар. Ақлли бўлишни истасанг, мулоҳаза қилиб сўрашни, диққат билан тинглашни, мулойимлик билан жавоб қайтаришни, айтадиган зарур гапинг бўлмаса, сукут сақлашни, индамасликни ўрган, дейди донишмандлар.

Беодоблик, кўполлик, ҳар қандай келишмовчиликнинг яхши даво-си-сукутдир. Қаерда, қачон, қандай сўзлаш санъат бўлса, сукут ҳам шундай санъатдир.

Луқмони ҳаким ўғлига шундай насиҳат қилган экан: «Ўғлим, нодон ва жоҳил бир киши сен билан бирор масала устида баҳслашиб қолса, сен унга мулойимлик билан жавоб бер. Агар у сенинг жавобингдан қаноатланмай, жаҳли чиқа бошласа, сўзингни яна қайтариб айтма, у билан олишиб ўтирмай, сукут қил:

Сўзинг нафъ этмаса,
қилма нола,
Бўлур айтган сари жаҳли
зиёда».

Суҳбатда одамнинг хушмуомалалигини билса бўлади. Кишилар ҳурмат-иззатини қозонмоқчи, ўзига обрў-эътибор топмоқчи бўлган кишилар аввало хушмуомала бўладилар. Эришиб бўлмайдиган нарсаларга хушмуомалалик билан эришса бўлади.

Хушмуомалалик аслида кишининг тарбияланганини, маърифатлилигини билдиради. Яхши муомала ҳаётимизни ёқимли, ўтаётган кунларимизни янада нурафшон қилади. Яхши муомала—яхшиликка, эзгуликка қанот, одамларга мурувват кўрсатишдир.

Ғуломхон ҒАФУРОВ

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Кунлардан бир кун машҳур Альберт Эйнштейн ҳузурига мухбир келиб, шундай савол берибди:

— Сиз хаёлингизга келган ноёб фикрларни қандай ёзиб борасиз? Бунинг учун ён дафтарча тутасизми ёки картотекалардан фойдаланасизми?

Эйнштейн қўлида ён дафтарча билан ёнида шай турган мухбирга қараб жавоб берибди:

— Азизим, ноёб фикрлар каллага ҳар доим келавермайди, уларни ёзиб ўтирмай, эслаб қолса ҳам бўлаверади.

***

Немис шифокори Маркус Герц нуқул китоблардаги буюртмалар бўйича даволанадиган бир бемор ҳузурига борди. Бунақа ғалати муолажа усули билан танишган шифокор беморга деди:

— Мен ажалингиз сабабини биламан. Сиз имло хатоларидан ўласиз.

***

Дарсларга ёлчитиб бормайдиган, фанни ҳам яхши билмайдиган толиб иккинчи бор Рентген ҳузурида синовдан ўтаётганди.

— Сизга ким маъруза ўқиганди? — деб сўради олим.

Толиб бир қанча исму шарифларни санади. Рентген мамнун алпозда бош силкиди.

— Мана кўряпсизми, бугун олдингидан кўра анча дадилсиз. Сиз маърузаларини тинглашингиз керак бўлган профессорларни билиб олибсиз.

***

Бир тантанада америкалик сармоядор чуқур хаёл суриб ўтирган Бернард Шоу билан учрашиб қолди.

— Мистер Шоу, мен нимани ўйлаб ўтирганингизни билиш учун бир доллар тўлашга розиман, — дея хитоб қилибди у.

— Э, менинг ўйларим бир долларга ҳам арзимайди, — дебди машҳур драматург.

— Айтақолинг энди, — сармоядор қистаб қўймабди.

— Сиз ҳақингизда ўйлаётгандим, — бажонидил жавоб берибди Шоу.

***

Суқротдан шогирдлари сўрашибди:

— Кўнгилдагидек никоҳ учун қандай шартлар зарур?

— Бунинг учун икки нарса зарур. Эр кар, хотин сўқир бўлиши керак.

***

Энрико Ферми Италия академиясининг аъзоси эди. Академия мажлислари доим қирол саройида ўтар ва дабдабали бўларди. Бир куни Ферми мажлисга кечикиб қолдию, кичкинагина «Фиат»ини миниб, бир ўзи саройга келди. У кўринишдан, «машҳур профессор Ферми»га ўхшамас, шошиб отланганидан, кийимлари ҳам жўнгина эди. Бу аҳволда соқчи саройга қўймаслигини ўйлаб, у қувлик қилди:

— Мен профессор Ферми жаноби олийларининг шофёри бўламан, киришга рухсат этинг! — деди ғоз туриб. Соқчи тавозеъ билан ижозат берди.

МАҲОБҲОРАТ ҲИКМАТЛАРИ

Қулоқларингни мақтов сўзлари эмас, танқид сўзлари эшитишга ўргат, дўстим! Чунки биров сенга қарши гап айтаётган экан, у ўз назарида тўғри айтяпман деб ўйлайди, бу унинг жасорати ҳамдир.

***

Аёл ташландиқ ҳовлида ўсган бир дарахт эмаски, ҳар ўткинчи тош отаверса!

***

Жазо гуноҳкорнинг хоҳишига қараб берилмайди...

***

Ота, она ва устоз дуосини Худонинг олий неъмати деб билмоқ керак.

***

Қиморга берилган одам хоҳ ютсин, хоҳ ютқазсин, асло ундан ўзини тиёлмайди.

***

Агар бирон аъзо дарди бедавога гирифтор бўлса, жарроҳ ўша аъзони кесиб ташласин.

***

Иймон изидан чиққан кунимиз қуёш тараташ турган нур зулматга айланажак.

***

Уруш деган касофат ҳеч қачон оналар қалби билан ҳам, уларнинг ўзлари билан ҳам ҳисоблашмаган.

***

Гоҳо бурч ҳисси инсон иродасидан кучлилик қилади, иродани чеклаб қўяди.



● Бу — қизиқ

ЖИЛОВЛАНГАН ТОВУШЛАР

Овоз ёзиб олувчи биринчи аппарат — фонограф қандай яратилганини америкалик машҳур ихтирочи Томас Алва Эдисон шундай хотирлайди: «Бир куни телефонни такомиллаштириш устида ишлаб туриб, пўлат игна ковшарланган диафрагма ёнида беихтиёр хиргойи қилдим. Шу аснода пластинка дириллаб кетиб, бармоғимга игна санчилди. Бу ҳодиса мени ўйлатиб қўйди: мабодо игнанинг тебраниши ёзиб олинса-ю, кейингина яна шу ёзув устидан юргазилса, пластинка гапирмасмикан?»

Тахмин тўғри чиқди. 1877 йилнинг 18 июлида Эдисон цилиндр валик (фонографда товуш ёзиладиган мум цилиндр) олиб, уни қўрғошин фольгага ўради. Кейин валикни айлантириб, қўшиқ айта бошлади. Игна юмшоқ фольга юзини ўйиб, из қолдириб борди. Эдисон уни бошидан қайта қўйган эди, ҳозиргина айтилган қўшиқ янгради.

Тажриба вақтида ҳозир бўлганлар ҳайратдан донг қотиб қолишди. Қурилмани техник жиҳатдан такомиллаштириш учун уч ҳафта кифоя қилди.

Ушбу асбобни намойиш қилишга тайёрланган кун — 1877 йил 12 август фонограф ихтиро этилган сана ҳисобланади.

1889 йили Парижда жаҳон кўргазмаси бўлиб ўтди. АҚШ павильони экспонатлари орасида Эдисон кашф қилган фонограф ҳам бор эди. Муҳандис Эйфель ўзи қурган машҳур миноранинг энг тепасида фонограф ихтирочиси учун тантанали зиёфат берди.

Маълумки, Эдисон мустақил ихтироларидан ташқари Белл телефони, кўмирли микрофонни такомиллаштиришга ҳам кўп куч сарфлади.

* * *

Машҳур ёзувчи Лев Толстой таваллудининг 80 йиллиги арафасида Ясная Полянага, ичига овоз ёзиб олувчи асбоб солинган бир юбортма келди. Асбобга бириктирилган кумуш пластинкага «Граф Лев Толстойга Томас Эдисондан ҳадя» деган сўзлар ўйиб ёзилганди.

Атоқли ёзувчи 1908 йил 1 март куни инглиз тилида ёзган жавоб хатида фонограф юборгани учун Эдисонга миннатдорчилик билдирди.

Ихтирочи Л. Толстойнинг сўзларини ёздиришга ҳам муваффақ бўлди. Ёзувчи фонографдан кундалик ишларида фойдаланган биринчи рус сўз санъаткори эди. У билан кўп хат-хабар ёзишиб турувчиларга жавобини оғзаки айтиб туриб, валикка ёздирарди.

Ёзувчининг жами 20 га яқин фонографик ёзуви бизгача етиб келган.

А. АЛИЕВ тайёрлади

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ, Шуҳрат ЖАББОР, Анатолий КУДИНОВ, Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб), Мирпўлат МИРЗО, Рустам ҚОСИМОВ, Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ, Бобохон ШАРИФ, Бўривой АҲМЕДОВ ОТАУЛИ, Саидмаҳмуд АКБАРОВ, Шохрух АКБАРОВ, Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ, Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ, Тоғай МУРОД, Нурали ҚОБУЛ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0739. 7625 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 16

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 16 декабрь куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Дилнавоз садолар.
18.20 «Сиҳат-саломатлик». Тележурнал.
18.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 1-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.40 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Ўқиш эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.45 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.15 Футбол. Осиё кубоги-96. Чорак финал.
22.50 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.40 «Ахборот».
00.05 Футбол. Осиё кубоги-96. Чорак финал.
01.35 Тунги тароналар.
01.45—01.55 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Палитра».
18.45 «Мультфейерверк».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон». Оҳанглар.
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Камертон». Шеърият.
21.10 «Мак ва Матли».
21.40 «Курьер».
22.00 «Прайм-тайм».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.45 «Спорт китаси».
23.20—00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Хафтанома».

*

8.30 Эстрада тароналари.
9.00 Хива — 2500. «Ипак йўлидаги қадимий шаҳар».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.10 Янгиликлар.
10.05 «Аср мулжаллари». Публицистик кўрсатув.
10.30 «Оҳангробо». Самарқанд вилоят кичик театрлар спектакли.
11.10 «Эзгуликка йўғрилган умр». Телеочерк.
11.30 «Темурнома».
11.50 Доно Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.25 «Фитна». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Гўрўғли. Гоша». Мультфильм.
18.05 «Хоразм афсонаси». Бадиий фильм. 1-серия.

*

Россия жамоат телевидениеси
19.10—21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Араб Амирликлари — бугунги кунда». Ҳужжатли фильм.
22.50 «Спортнинг ажиб тури». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
23.00—23.30

*

23.30 Эълонлар.
23.35—23.40 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кадриятлар — ифтихоримиз».
19.40 «Спорт-тайм».
20.10 Кечки сеанс. «Аршин мол-олан». Бадиий фильм.
21.35 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
21.45 «Шлягер».
22.00 «Авторейд».
22.10 «Кимга қанақа?».
22.40 Эълонлар.
22.45—22.55 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 1-қисм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Биржа ва банк хабарлари.
10.25 Инглиз тили.
11.00 «Уналар мактаби».
11.30 «Темурнома».
11.50 Хабек қўшиқларидан концерт.
12.30 ЎзТВ хазинасидан. Ўйғун. «Зебуннисо». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.00—14.05 Янгиликлар.

*

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатшунослар клуби».
18.30 Дилнавоз садолар.
18.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 2-қисм.
19.15 «Замон».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Осиё кубоги-96» кундалиги.
20.15 Ўқиш эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Зарблар сехри». Ўзбекистон халқ артисти Қаҳрамон Дадаев.
21.40 «Альманах-ТВ».
22.20 «Ургимчак тури». Телесериал.
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ҳусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.15 Футбол. Осиё кубоги-96. Ярим финал.
22.50 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 Эълонлар.
23.40 «Ахборот».
00.05 Футбол. Осиё кубоги-96. Ярим финал.
01.40 Тунги тароналар.
01.50—02.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
18.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...».
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 «Ойче Велле» намойиш этади...
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 «Спорт китаси».
23.25—00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.45 Янгиликлар.
17.50 Эълонлар.
17.55 «Аренага йўл». Бадиий фильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

7.30 — 9.00 «Телетонг».

*

19.10—21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Шоҳсупа сари».

*

Россия давлат телевидениеси
23.00—23.35

*

23.35 Эълонлар.
23.40—23.45 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Безнен мирас».
19.30 «Бу ажиб дунё».
19.50 «Каролат».
20.15 «Азизим...».
20.50 «Мезон».
21.20 Эълонлар.
21.30 «Тошкент оқшомида».
21.55 «Ирганиш кундалиги».
22.25 «Тошкентнома».
22.55 «Уй остонадан бошланади».
23.25 «Гулдаста».
23.55 Эълонлар.
24.00 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 2-қисм.
9.00 «Узбекгелефильм» кўрсатади: «Най».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.10 Янгиликлар.
10.05 «Тақдир». Публицистик кўрсатув.
10.30 Зоология.
11.00 «Сахна ҳаёти».
11.30 «Темурнома».
11.50 «Декабрь». Мультфильм.
12.00 «Фермер». Тележурнал.
12.30 «Амир Темур ва маънавият».
13.10 «Ўлғуначлар».
13.30 Чанг тароналари.
14.00—14.05 Янгиликлар.

*

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Олис Жанубда». Мультфильм.
18.20 «Орзуларим — наволаримда».
18.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 3-қисм.
19.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Адашлар».
20.15 Ўқиш эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.15 Футбол. Осиё кубоги-96. Ярим финал.
22.50 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 Эълонлар.
23.40 «Ахборот».
00.05 Футбол. Осиё кубоги-96. Ярим финал.
01.40 Тунги тароналар.
01.50—02.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
18.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...».
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 «Ойче Велле» намойиш этади...
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 «Спорт китаси».
23.25—00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.45 Янгиликлар.
17.50 Эълонлар.
17.55 «Аренага йўл». Бадиий фильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

7.30 — 9.00 «Телетонг».

*

19.10—21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Шоҳсупа сари».

*

Россия давлат телевидениеси
23.00—23.35

*

23.35 Эълонлар.
23.40—23.45 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Безнен мирас».
19.30 «Бу ажиб дунё».
19.50 «Каролат».
20.15 «Азизим...».
20.50 «Мезон».
21.20 Эълонлар.
21.30 «Тошкент оқшомида».
21.55 «Ирганиш кундалиги».
22.25 «Тошкентнома».
22.55 «Уй остонадан бошланади».
23.25 «Гулдаста».
23.55 Эълонлар.
24.00 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.



8.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 4-қисм.
9.10 Кинолавҳа.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
10.20 «Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
10.40 «Театр учрашувлари».
11.10 «Юрт таянчлари». Публицистик кўрсатув.
11.30 «Темурнома».
11.50 Мумтоз ашулалар.
12.30 «Аньана ва замон».
13.00 «Маърифат» видеоканали.
14.00—14.05 Янгиликлар.

*

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 «Катта танаффус».
18.45 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 5-қисм.
19.10 Дилнавоз садолар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
20.05 «Ўзма-ўз». Мулоқот.
20.15 Ўқиш эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан.
21.20 «Умримдан розиман». Рамз Бобожон.
21.45 «Шаҳар бедарвоза эмас...».
22.10 «Стадионда учрашамиз».
22.35 «Оқ бино оқшомлари». Қисқа метражли бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Мак ва Матли».
9.50 «Курьер».
10.30 «Прайм-тайм».
10.50 «Ҳафиз мажлислар». Хотин-қизлар учун курсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.10 «Табиат дунёси».
11.30 «Компьютер-Осиё».
12.15 «Ҳусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.35—14.15 Видео — «О».

*

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ҳусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.25 «Бизнес-уик».
21.45 «Дойче Велле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.10 «Киноногох».
23.50—00.10 «Спорт қитаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Керакли одам». Бадиий фильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

7.30 — 9.00 «Телетонг».

*

19.10 — 21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Мусиқа ҳамма учун».

*

Россия давлат телевидениеси
23.00 — 23.30

*

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Она».
19.30 «Океандан океангача». USA-круиз.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «02» тўлқинида».
21.05 «Каталог».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Шарҳим-фахрим».
21.55 «Интерспорт».
22.05 «Эколот-коктейль».
22.25 Эълонлар.
22.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.10 «Шамол қанотларида самосаяри интилувчи орзулар». Телефильм (Япония).
23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 4-қисм.
8.55 «Ўзма-ўз». Мулоқот.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кишлоқ ҳаёти». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Соғлом авлод учун».
12.15 Дутор ва танбур тароналари.
12.45 «Отлун қалитча». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

*

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош».
18.30 Бизнес ҳафта якунлари.
18.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 5-қисм.
19.20 «Тақдим».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ватанимни куйлайман». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмудхон Азимов.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Ривоят».
21.30 «Эртага — шанба».
21.50 «Мафтункор чечалар».
22.05 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Хуш келибсиз!».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мульти-пульти».
9.30 «Дилором наволар».
9.50 «Таманно».
10.20 «Табиат шифохонаси».
10.50 «Умрбокий мерос».
11.05 «Мулоҳаза учун мавзу».
11.30 Видео янгиликлари.
11.50 Видео — «О».
12.30—14.00 «Спорт қитаси».

*

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Кинохроника».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.05 «Издан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Спорт китаси».
22.40 «Хит-парад ва Эълонлар».
23.10—24.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Голиб». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).

*

Россия жамоат телевидениеси

7.30 — 9.00 «Телетонг».

*

19.15 — 21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.40 «Оқ йиллар». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
22.55 — 23.30

*

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 «Замин саховати».
20.00 «Ер сайёраси».
20.15 Фан ва технология. «Жиддий нарсалар ҳақида ҳазиллашиб».
20.45 Эълонлар.
20.50 Келинг, қулишайлик. «Уч тентак ҳангомаси». «Коламбия пикчерс», АҚШ). 3-серия.
21.05 «Қоинот».
21.25 «Сахура шоҳчаси».
21.45 Эълонлар.
22.10 Араб эстрадаси.
22.35 «КВН-96».
24.00 Эълонлар.
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 5-қисм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ажл борки, олам мунаввар...» Публицистик курсатув.
10.35 «Қаранғуда». Мусиқий дастур.
11.05 «Куллар ва уйлар».
11.30 «Темурнома».

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

11.50 «Баҳс».
12.10 «Ватанпарвар».
12.40 «Кичкинтоймиз — гижинг-тоймиз».
13.00 «Жону дилим санъат». Мукимий номидаги Ўзбек мусиқали театрининг актёри Раҳшан Солиҳов.
14.00—14.30 «Ешлар ижоди».

*

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.50 «Мактуб».
19.00 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Дилнавоз садолар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Футбол. Осиё кубоги-96. 3 — 4-ўринлар учун ўйин.
21.50 «Азиз симолар». Халқ артисти Шукур Бурҳонов.
23.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Финал.

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:

00.50 «Сўққабош эркак учун тузоқ». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.30 «Киногногох».
13.20—14.20 «Спорт қитаси».

*

18.00 «Бугунинг боласи».
18.20 «Жозиба».
18.35 Эълонлар.
18.40 «Жаҳоннинг Бинн ҳангомалари».
18.50 «Театр ҳақида ўйлар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
20.00 «Қадр ортидан».
20.15 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Олтин кент».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.30 «Концерт».
22.20 «Ҳангомали видеоклип».
22.45 Эълонлар.
23.00 «Ҳангомали видеоклип».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «Жозиба».
9.35 «Жаҳоннинг Бинн ҳангомалари».
9.50 «Театр ҳақида ўйлар».
10.20 «Қадр ортидан».
10.40 «Олтин кент».
10.50 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
11.15 «Алмисоқдан қолган дукон».
11.35 Видео — «О».
13.00—14.00 «Спорт қитаси».

*

18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Дарахчи».
18.30 «Мульти-пульти».
18.50 «Боланинг тили...»
19.00 «Дилором наволар».
19.10 «Умрбокий мерос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Дармон».
21.20 «Лаззат».
21.50 Видео янгиликлари.
22.00 «Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 Видео — «О».
00.20 Дастур ниҳояси.

III

17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.00 — 20.50

*

20.50 Бадиий фильм. 2-серия.
22.15 Эълонлар.
22.20 — 22.45 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Клип-антракт».
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парле ву франсе?»
12.25 «Жонли саҳна».
12.45 «Афсона ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
13.25 «Дарвоқе». Биз 3 ёшдамиз.
13.55 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.25 Киносалон. Френсис Коппола фильми. «Дракула».
16.35 Эълонлар.
16.40 «Сенинг вақтинг».

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
19.15 «Телеташриф».
19.30 «Телевидение — менинг ҳаётим». Галина Мельникова.
19.50 «ТВ IVда етти кун» (рус тилида).
20.05 Эълонлар.
20.10 «Киргизликда куйлайлик».
21.10 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
21.40 Киносалон. Акиро Курасава фильми. «Кугимуша». 1 ва 2-серия.
23.50 «Голливуд-рок».
00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).